

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАШ АН ВА АМАЛГА БИРИТИШ АН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қароридан Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича
хўжалиқий баҳолашлар факультети Музофаклаштирувчи комиссияси 2024
йили 08 ой 18 кунда йиғилишида маъқуланган.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қароридан 2024 йили 08 ой 18 кунда буйруқ билан тасдиқланган.

ЖОРИН ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис бакалаврият
таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....
 - 1.1. Қўлланиш соҳаси
 - 1.1.1. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....
 - 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....
 - 1.2. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи
 - 1.2.1. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари
 - 1.2.2. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари
 - 1.2.3. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари
 - 1.2.4. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари
2. *60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис* таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....
 - 2.1. Умумий компетенциялар.....
 - 2.2. Библиографик маълумотлар.....
 - Келишув варағи.....

1. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари:

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари:

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари:

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар:

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари:

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис “Қишлоқ хўжалиги” таълим соҳасига оид йўналиш булиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви органлари, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ташкилотлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотларда,

қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларига сервис хизмат кўрсатиш жараёнлари, технологиялар ва техник воситалари, улардан самарали фойдаланиш, техник сервисни амалга ошириш, техник сервисда логистик жараёнларни ташкиллаштириш учун инсон фаолияти воситалари, усуллари билан боғлиқ касбий соҳаларни мажмуини камраб олади.

1.2.2. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар, кластерлар), ишлаб чиқариш бирлашмалари, сервис марказлари, техник хизмат кўрсатиш станциялари ва бошқалар:

- иктисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори унумдорликка эга технологик жараёнлар, машина ва жихозлар, уларни назорат қилиш, ростлаш ва бошқариш тизимлари, созлаш, фойдаланиш усуллари ва воситалари, шунингдек назорат, ростлаш ва бошқариш тизимларининг лойиҳа ҳужжатлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қишлоқ хўжалик техника ва технологияларни синаш, сертификациялаш Давлат маркази; "Ўзклассервис"; "Ўзагромашсервис"; "Ўзкейссервис"; "Агросервис МТП" МЧЖ корхоналари, Сервис марказлари, Техник хизмат кўрсатиш станциялари, Кластерлар ва Иссиқхоналарда сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш ишларини механизациялашган усулда бажаришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қишлоқ хўжалик техника ва технологияларни синаш, сертификациялаш Давлат маркази; "Ўзклассервис"; "Ўзагромашсервис"; "Ўзкейссервис"; "Агросервис МТП" МЧЖ корхоналари, Сервис марказлари, Техник хизмат кўрсатиш станциялари, Кластерлар ва Иссиқхоналардаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари, жихозлари ва қурилмалари;

- сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича технологик жихозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, такомиллаштирилган конструкциялари;

- қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, жихозлар ва қурилмалар, уларга сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнлари.

- 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Хизмат кўрсатиш-фойдаланиш фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмалардан фойдаланиш, сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларга сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ;
- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларни синаш ва камчиликларни бартараф қилиш;
- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларни ишлатиш ва уларга сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш методларини танлаш;
- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларнинг иш жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;
- сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда қўлланиладиган воситалар, асбоб, ускуна, жиҳозларни билиш уларни амалда қўллаш олиш;
- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларнинг иш сифати кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш ва хулосалар шакллантириш қобилиятига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларга сервис кўрсатиш, техник ташҳис ва таъмирлаш технологиялари, жиҳозлари ва воситаларини қўллаш, технологик жараёнларни шакллантириш ва текшириш, лойиҳалаш, техник сервис, таъмирлаш ва деталларни тиклаш, автоматлаштириш қурилмалари, микропроцессор ва компьютер технологиялари ҳамда дастурлашдан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш;
- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

- бир ёки бир нечта ишчи касблар, хизмат лавозимлари бўйича вазифаларни бажариш.

Экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудитор фаолиятида:

- қишлоқ ва сув хўжалиги технологик жараёнларини механизациялашда ишларини кўп вариантли ечимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, технологик жиҳозлар ва қурилмаларни йиғиш, созлаш, ишлатишга тайёрлаш, самарали фойдаланиш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш;

- машиналар ишончилигини баҳолаш экспертизасини ўтказишда иштирок этиш;

- машиналарга сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг илғор ҳамда ресурстежамкор технологияларини аниқлаш.

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда машина ва жиҳозларни яратиш, такомиллаштириш ва синаш, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларини, тизимларини, жараёнларини, жиҳозларини ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш;

- деҳқончилик, чорвачилик ва дастлабки қайта ишлаш техникаларини тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни қўллаш олиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда машина трактор агрегатларидан фойдаланишнинг замонавий усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- машина трактор агрегатларидан фойдаланишнинг замонавий усуллари бўйича мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- намунавий усуллар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- машиналар парки таркибини асослаш, улардан самарадор фойдаланиш, иш билан таъминлаш, бошқариш бўйича технологиялар ҳамда машиналар тизими ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш олиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни жамлаш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- интернет тармогида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган услубда таҳлил қилиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш, тадқиқот натижалари ва ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар, уларнинг ишчи органларини такомиллаштириш, унификациялаш мақсадида конструкторлик

таклифларини ишлаб чиқиш, сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун зарурий воситалар, асбоб, ускуна, мосламалар зарурий жиҳозларни танлаш, бажариладиган ишларни сифатини кафолатловчи янги технологик жараёнлар учун машина, асбоб-ускуналар, қисм ва деталларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва танлаш;

- кишлок хўжалик ва мелиоратив техникалар ва уларнинг ишчи органлари ва жиҳозларидан фойдаланиш, сервис хизмат кўрсатиш воситаларини лойиҳалаш моделларни ишлаб чиқиш ;

- лойиҳавий ва меъёрий-дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;

- кишлок хўжалик ва мелиоратив техникалар ва уларнинг ишчи органларига сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимининг намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- машиналарни юқори унумдорлик билан ишлашини таъминловчи усулларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятида сифатни бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда бажариладиган технологиялар ва техник воситаларини мақбуллик асосида танлашда самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

- ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда амалга ошириладиган технологик жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган меҳнат воситалари ва ресурсларни режалаштириш ;

- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- касбий фаолиятга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида иш сифатини бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш звеноси ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин,

техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини таҳлил қилиш.

2. 60810300 - Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши. ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятига мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш жараёнларида инженерлик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик моделларини қўллай билиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини бажаришда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари, уларнинг иш жиҳозларини тузилишини, ишлаш жараёнини ўзлаштириш ва таҳлил бўйича қобилиятга эга бўлиш;
- машиналардан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштиришни билиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини бажаришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари ва жиҳозларини муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини бажаришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникаларга техник хизмат кўрсатиш, ишчи жиҳозларининг алмашуви, таъмирлаш стратегиясини белгилаш ва қўллаш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

бакалавриат, таълим соҳаси, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплекси, механизация, машина трактор агрегат, фойдаланиш, тиклаш, сервис хизмат, техник хизмат кўрсатиш; таъмирлаш; касбий психология, касбий педагогика, таълим технологияси ва методикаси, фан дастури, якуний давлат аттестацияси, Давлат таълим стандарти, ахборот-ресурс маркази, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаси, техник соҳа, муҳандислик иши, назорат-ўлчов асбоблари, хизмат кўрсатиш-фойдаланиш, экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудиторлик, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик жараёни, ташкилий-бошқарув, назарий таълим, малака амалиёти, битирув малакавий иши, мустақил таълим, Давлат аттестацияси, меҳнат бозори, кадрлар истеъмолчилари, назорат.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИКИЛДИ:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Ректор в.в.б. _____  Б.С.Мирзаев

202__ йил «__» _____



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
таълимдаги Олий таълимни
тадқиқотлари ва лғор
тадбиқ этиш маркази



_____ М.Эсонов

“Ўзагросервис” АЖ



Бош директор _____ Хаитов Р.М.

202__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги
Агротехнологиялар мажмуи устидан назорат
қилиш инспекцияси техника ҳолатини
назорат қилиш бошқармаси



_____ А.Мирзаахмедов

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги
Кадрлар ва таълим муассасалари
бошқармаси



_____ Х.Лапасов

202__ йил «__» _____

М.У.